

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Навоий вилояти ҳокими

Н.Т.Турсунов

2023 йил «27» март

Навоий вилояти ҳокимлиги томонидан олиб борилаётган коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш натижаларига кўра, Навоий вилояти ҳокимлигида коррупциянинг олдини олиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда уларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини яхшилашга қаратилган қўшимча
ЧОРА-ТАДБИР РЕЖАСИ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	Ҳокимият тизимида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолиятини соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида такомиллаштириш	1. Коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини ҳокимият тизимида бажарилиши ўрганиш; 2. Ҳокимият тизимида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолиятини соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлаштириш. 3. Ҳокимият тизимида коррупцияга қарши ички тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш чораларини кўриш (Низом талабларига мувофиқлаштириш, мустақиллигини таъминлаш, зарур ресурслар билан таъминлаш).	Доимий	Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий Кенгаши аъзолари, Коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси

1.	Вилоят ҳокимияти, ташкилот ва бошқармаларда коррупцияга қарши ички назорат тизимини такомиллаштириш.	1. Коррупцияга қарши курашиш бўйича ички идоравий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Расмий веб-сайтда коррупцияга қарши курашиш бўлимини яратиш ва коррупцияга қарши ички идоравий ҳужжатларни жойлаштириш. 3. Ҳокимият тизимида меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши шартларни киритишни таъминлаш. 4. Ҳокимият тизими ходимларини тасдиқланган ички идоравий ҳужжатлар билан имзо қўйдирган ҳолда таништириш. 5. Ҳокимият ва ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш даражаси ва унинг самарадорлиги юзасидан аудит ўтказиш.	Ҳар чоракда	Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий Кенгаши аъзолари, Коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси
2.	Ҳокимият тизимида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш чораларини кўриш.	1. Белгиланган вазифа ва функцияларни (ваколатлар) амалга оширишда юзага келадиган коррупциявий хавф-хатарларни мажбурий баҳолаш ишларини ўтказиш. 2. Коррупция хавфига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимлар рўйхатини тузиш. 3. Коррупцияга қарши кураш дастури (“Йўл харитаси”) ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш чораларини кўриш.	Ҳар чоракда	Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий Кенгаши аъзолари, Коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси


3.	Ҳокимият ходимлари, фуқаролар ва контрагентлар томонидан коррупцион ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш механизмини яратиш.	1. Коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналларини ташкил этиш. 2. Расмий веб-сайтда ва бошқа ОАВларда коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари ҳақидаги маълумотларни жойлаштириш. 3. Расмий веб-сайтда коррупция фактларига доир мурожаатларни куриб чиқиш натижалари ҳақидаги йиллик ҳисоботни жойлаштириш.	Ҳар чоракда	Коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси
4.	Вилотя, туман (шаҳар) ҳокимияти ходимларини малака ва кўникмаларини ошириш, уларда коррупцияга қарши иммунитетни шакллантириш мақсадида махсус ўқув курсларини ташкил этиш.	1. Ҳокимият ходимларини коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги хабардорлигини ошириш бўйича тегишли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш (<i>тарғибот материалларини тарқатиш, ходимларнинг бу борадаги билимларини аниқлашга имкон берувчи тест топшириқларини ишлаб чиқиш, синов жараёнларини ўтказиш ва ҳ.к.</i>). 2. Ходимлар учун касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш, манфаатлар тўқнашувини бартараф қилиш ва коррупцияга қарши курашишнинг бошқа йўналишлари бўйича махсус ўқув курсларини ташкил этиш. 3. Ишга қабул қилинаётган шахсларга коррупцияни олдини олиш мақсадида унинг оқибатларини гушунтириш, хизмат вазифасига қўйиладиган асосий мажбуриятлар, гаъкиқлар, чекловлар, талаблар, тизимнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва одоб-ахлоқ	Ҳар чоракда	Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий Кенгаши аъзолари, Коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси

		қоидалари мазмун-моҳиятини тушунтириш.		
5.	Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш.	1. Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш режасини ишлаб чиқиш 2. Режага асосан мониторинг ва назоратни амалга ошириш. 3. Коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботларни шакллантириш.	Ҳар чоракда	Коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси, Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий Кенгаши аъзолари
6.	Вилотя, туман (шаҳар) ҳокимияти ходимлари ротасиясини ташкил этиш.	1. Тизимда коррупциявий ҳолатларини олдини олиш, шунингдек иш самарадорлигини ошириш мақсадида ротация усулидан фойдаланиш. 2. Расмий веб-сайтда ишга қабул қилиш, ротация тўғрисидаги эълонларни жойлаштириб бориш.	Ҳар чоракда	Коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси, ташкилий-кадрлар гуруҳи, матбуот котиби
7.	Коррупцияга қарши курашиш мавзусига оид видео, босма ва электрон кўринишдаги материалларни тайёрлаш.	Ташкилотлар ва уларнинг тизимларида коррупцияга қарши профилактик тадбирлар сифатида коррупциянинг салбий иллатларини акс эттирувчи видео, босма ва электрон кўринишда тарғибот материалларини тайёрлаш.	Ҳар чоракда	Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий Кенгаши аъзолари, Коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси, ОАВлари вакиллари, корхона ва ташкилот раҳбарлари
8.	Ходимларнинг Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс-назорат” тизими сиёсати ва ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишиб чиққанлиги даражасини аниқлаш юзасидан мониторинг ҳамда таҳлил ишларини олиб бориш.	Синовларини ўтказиш, электрон тест синовлари орқали баҳолаш.	Ҳар чоракда	Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий Кенгаши аъзолари, Коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси
9.	Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс-назорат” тизимини мониторинг, баҳолаш ишларини амалга ошириш ҳамда натижаси бўйича ҳисоботларни юритиш.	Ҳисоботларни расмийлаштириб тегишли давлат органларига тақдим этиш.	Ҳар чоракда	Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий Кенгаши аъзолари, Коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси

10.	Тизим фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳукукий ҳужжатларни босқичма-босқич коррупцияга қарши экспертизадан ўтказган ҳолда, коррупциядан холи қонунчилигини яратиш бўйича таклиф ишлаб чиқиш.	Таҳлилий маълумотнома	Ҳар чоракда	Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий Кенгаши аъзолари, Коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси
11.	Коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб бориш.	Материалларни ташкилотнинг веб-сайтида, ижтимоий тармоқларда, даврий босма ва электрон нашрларда, марказий телевидение ҳамда радио каналларида эълон қилиб бориш.	Ҳар ойда	Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий Кенгаши аъзолари, Коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси, ОАВлари вакиллари
12.	Коррупцияга оид ҳуқуқбзарликлар ҳақидаги келиб тушган мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиш ва кўрилган чоралар бўйича таҳлилий маълумотларни шакллантириб бориш.	Ташкилий чора-тадбирларни белгилаш.	Ҳар чоракда	Коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси
13.	Коррупцияга қарши курашиш ва шаффофликни таъминлаш йўналишида амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати юзасидан сўровномалар ўтказиш ва натижаларини таҳлил қилиб бориш.	Аноним сўровлар ўтказиш.	Ҳар чоракда	Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий Кенгаши аъзолари, Коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси, ОАВлари вакиллари
14.	Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш, хусусан Давлат дастурлари, йўл хариталари ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг коррупцияга қарши курашишга оид кўрсатмалари ижросини доимий назорат ва мониторинг қилиш, камчиликларни баргараф этишга қаратилган чораларни кўриш.	Даврий таҳлил ва мониторинг ишларини олиб бориш.	Ҳар чоракда	Коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси, Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий Кенгаши аъзолари
15.	Соҳани коррупциядан холи соҳага айлантириш, шаффофлик ва очиқликни таъминлаш юзасидан қилинаётган ишлардан жамоатчиликни хабардор этиб бориш ҳамда тизим ходимларининг ҳукукий саводхонлигини ошириш бўйича ишларни ташкиллаштириш.	Тизимда коррупцияга қарши курашиш соҳасида олиб борилаётган ишлар билан жамоатчиликни хабардор қилиб бориш ҳамда ходимларнинг ҳукукий саводхонлигини ошириш мақсадида соҳада амалга оширилаётган янгиликлар, ўзгаришлар ва амалга оширилган ишларни	Доимий	Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий Кенгаши аъзолари, Коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси, ОАВлари вакиллари

		оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиб бориш.		
16.	Коррупцияга қарши курашиш мавзусида давра суҳбатлари, учрашувлар ва семинарлар ташкил этиш ҳамда эксперт ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўқув тренингларни ўтказиш.	Ўқув тренингларни ташкил этиш.	Ҳар чоракда	Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий Кенгаши аъзолари, Коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси, корхона ва ташкилот раҳбарлари

**Навоий вилояти ҳокимияти
Коррупцияга қарши ички назорат
қилиш шўъбаси мудири**


Ф. Хасанов

2023 йил «25» март